Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 72 (8312).

11 апрель Чоршанба 1984 йил

Баҳоси 3 тийин.

КЕЧА МОСКВАДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ПЛЕНУМ ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИ ВА МАЪҚУЛЛАДИ.

ПЛЕНУМ, ШУНИНГДЕК, УМУМТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ҲАМ МУҲОКАМА ҚИЛДИ.

ПЛЕНУМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО КАТТА НУТҚ СЎЗЛАДИ.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 10 апрелда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросининг ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ташкилий ва бошқа масалалар хусусидаги таклифларини кўриб чиқиб, маъқуллади.

Сўнгра Пленум умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. В. Зимянин доклад қилди. Доклад юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари П. С. Федирко, КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари Р. Ф Дементьева, СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, Харьковдаги «Малишев номли завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Петров ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко катта нутқ сўзлади.

Пленум «Халқ депутатлари Советларининг ишини янада яхшилаш тўғрисида» ва «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида» қарорлар қабул қилди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи ва Пленумнинг қарорлари матбуотда эълон қилинмоқда.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

1984 йил 10 апрелда КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нутқи

Ўртоқлар!

Эртага янги сайланган СССР Олий Советининг биринчи сессияси очилади. Марказий Комитет Сиёсий бюросида биз ўтган сайловнинг якунларига атрофлича баҳо бердик. Сайлов меҳнаткашлар партиянинг сиёсий йўлини тўла-тўкис маъқуллаб, ёппасига қўллаб-қувватлаганликларини намойиш этди. Совет ҳокимиятининг обрў-эътибори шубҳасиз ўсганлиги 180 миллиондан кўпроқ сайловчининг фикри билан тасдиқланди. Халқ билдирган ишонч асосида ишимизни комил ишонч билан давом эттиравериш мумкин.

Бу ишнинг асосий йўналишларини КПСС XXVI съезди белгилаб берган. Бу йўналишлар Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида ривожлантирилиб, конкретлаштирилди. Гап, коммунизм сари ҳаракат қилишнинг шундай стратегияси ҳақида бормоқдаки, бундай стратегия ҳаракатлардаги сусткашликка ҳам, ривожланишнинг тарихан зарур босқичларидан сакраб ўтишга ҳам мутлақо тўғри келмайди. Гап шу ҳақда бормоқдаки, партиянинг олий мақсадлари йўлида биз ҳали кўпгина катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишимизга тўғри келади, бу вазифалар ўзининг келиб чиқиши ва характерига кўра коммунистик формациянинг биринчи босқичига тааллуқлидир. Аслини айтганда, бугунги кунда ривожланган социализмни такомиллаштириш борасидаги катта ва қизғин ишнинг асосий мазмуни ҳам шундан иборатдир.

Ишнинг таянчи ва ижодкорлиги ҳамда авж олдирилиши — фактимоий ҳаётимизни ҳаётимизни ... ҳал қилишдан иборат. Жалб қилмаслиги ... экономикамизни жадал ўстириш учун ... чора-тадбирларни кўрилаётганлигини ҳам, партиянинг ҳуқуқий ва идеологик фаолиятини қатъиян яхшилашга қаратган пайтда ҳам ... ишга эришиш учун ҳаракат қилдик. Биз бундан ... ҳам шу йўлни ўтказамиз.

Бугун Пленумда ўртага ташланган масалалар характери ... ва моҳияти ... ишлаб чиқаришга ... **социалистик ишлаб чиқариш, жамият ... системасини такомиллаштириш** ... резервларидан ... яхшироқ фойдаланишлигини чуқур ... олиш учун ... имконият беради. Совет ... ССРнинг сиёсий ... социалистик қурилиш қудратли қуроллар фаолиятини яхшилашда, ... ва ... ишлаб чиқариш резервлари ... ...дир.

... эслатиб ўтмоқчиман, ... Октябрдан кейин ... В. И. Ленин Совет ... ҳалқ давлат раҳбарлиги ... ҳокимиятнинг органларига ... ҳусусан ... ўртоқлар ... ихлосмандлар ... ...ишлаб чиқариш ... ...ишлаб чиқариш ... ...ишлаб чиқариш

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

1984 йил 10 апрелда КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нутқи

(Бошн биринчи бетда).

планларимизга практика тузатишлар киритиши шубҳасиз, бундан чўчимаслик керак. Бизнинг стратегик йўлимизни — ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказишни назардан қочирмаслик муҳимдир.

Ислоҳот муносабати билан пайдо бўлаётган, аммо кўп жиҳатдан ислоҳот доирасидан чиқиб кетаётган проблемаларнинг характери ва миқёсларини ҳам аниқ-равшан тасаввур этиш лозим. Масалан, юқори синф ўқувчиларининг унумли меҳнатини ташкил қилиш учун экономиканинг ҳар хил тармоқларида замонавий машинаускуналар билан таъминланган бир неча миллион иш жойини ажратиб бериш ёки вужудга келтириш планлаштирилмоқда. Масала айни шу тарзда қўйилмоқда, ўртоқлар. Госплан эса бу катта ишни мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача мўлжалланган асосий йўналишларига узвий равишда синдириб юбориши лозим.

Биз мактаб билан ишлаб чиқаришни бир-бирига нақадар кўпроқ яқинлаштирсак, ислоҳотнинг самараси шу қадар салмоқли бўлади.

Бунинг тарбиявий, сиёсий самарасини олиб кўрайлик. Совет ёшлари юксак маданиятли, ўқимишли ва меҳнатсевар бўлиб, мустақил турмушга қадам қўйишлари керак. Бинобарин, фарзандларимиз ишчи ёки агроном, олим ёки инженер бўлиб етиш ишларидан қатъи назар улар меҳнат коллективларида синфий жиҳатдан чиниқишлари керак. Уларнинг ишлаб чиқариш билан танишуви бизга айни керак бўлган тарбиявий самарани беришига эришмоқ лозим.

Биз ислоҳотдан иқтисодий соҳада ҳам кадрлар соҳасида ҳам самара олинишини кутяпмиз, Юқори синф ўқувчилари учун вужудга келтирилган ҳар бир неча миллион иш жойини ажратиб бериш ёки вужудга келтириш планлаштирилмоқда. Масала айни шу тарзда қўйилмоқда, ўртоқлар. Госплан эса бу катта ишни мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача мўлжалланган асосий йўналишларига узвий равишда синдириб юбориши лозим.

Шу билан бирга, мактаб ўқувчисини қўлидан келадиган унумли меҳнат билан тарбиялашга ҳозир биз бераётган катта аҳамият принципиал жиҳатдан нақадар муҳим бўлмасин, аммо у болаларнинг энг асосий меҳнати — албатта, ўқиш, илмфан асосларини пухта эгаллашдир, деган ҳақиқатни инкор қилмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мактабда ҳамма умумий таълим фанларини, ўз-ўзидан равшанки, гуманитар фанларни ҳам ўқитишни яхшилаш талаби мана шундан келиб чиқади. Шундай қилмай туриб, ҳозир, айниқса, келгусида коммунистик қурилишнинг барча соҳаларини ўз ишини яхши биладиган, ҳам касб жиҳатидан, ҳам интеллектуал жиҳатдан доимо ўсишга қобилиятли кишилар билан пухта равишда таъминлаб бўлмайди.

Ҳозир бутун таълим жараёни анча кўп даражада дунёқараш мазмунини сингдирадиган бўлиши керак. Ўқув программаларининг тиғизлигини камайтирганда, янги, оқилона дарсликлар яратганда уларни ғоявий жиҳатдан енгиллаштириш, дарс беришнинг илмий даражасини пасайтириш ярамайди. Ўқувчиларни марксча-ленинча эътиқодли қилиб, мустақил, ижодий фикрлашга қобилиятли қилиб вояга етказиш, социалистик Ватаннинг тақдири учун ўз масъулиятини англашни ривожлантириш — мактабнинг вазифасидир. Бизга ёт қарашлар ва ахлоққа қарши қатъий курашиш руҳини сингдириш ҳам керак, албатта.

Мактабда коммунистик ахлоқ мавзулари ҳақида гапирибгина қолмасдан, болаларни ўз фезл-атворини шу ахлоққа мослаштиришга ўргатиш ҳам керак. Мактаб коллективларида ўзини-ўзи бошқариш негизларини активроқ ривожлантириш мана шунинг учун зарурдир. Бу ишда ўқитувчилар оқилона ёрдам беришлари кераклиги табиий. Мактаблардаги пионер дружиналари ва комсомол ташкилотлари ишида расмиятчилик ҳам, зericарли тадбирлар ҳам бўлмаслиги керак.

Мактабнинг роли нақадар катта бўлмасин, аммо ўсувчи инсонни унинг ўзигина тарбияламайди. Характернинг асослари, илк ҳаётий йўл-йўриқларга оилада негиз яратилади. Мактаб бир нарсани ўргатса-ю, оила бошқа нарсани ўргатса, бундан яхшилик чиқмайди. Партия ва комсомол ташкилотлари, меҳнат коллективлари бундай ҳодисаларга бепарво қарашга ҳақли эмаслар.

Ислоҳот бутун халқ маорифи системасини таркибий равишда ривожлантириш учун шарт-шароит яратади. Олий мактаб ҳам шу жумлага киради, албатта. Олий мактаб иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётимизнинг суръатларига, қоларверса, мамлакатнинг мудофаа қобилиятига ҳам катта таъсир қилади. Энг муҳим ишимиз — социалистик хўжалик юритиш системасини фан-техника революциясининг энг янги ютуқлари билан узвий равишда бирлаштириш учун инсоний шарт-шароит айни олий мактабда вужудга келтирилади.

Партия XXVI съездида, Марказий Комитетнинг июнь Пленумида СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ишидаги анчагина камчиликлар қайд этилган эди.

Бироқ, олий мактаб олдига қўйилган вазифалар кўнгилдагидек бажарилгани йўқ. Чамаси, инерция кучи, эскилик одатлари ҳалақит бермоқда. Бу соҳада объектив қийинчиликлар ҳам бор. Буларнинг ҳаммасини обдон ўрганиб, ишларнинг аҳволини тузатиб олиш керак.

Умуман, ўртоқлар, XXVI съезд қарорлари ҳамма соҳаларда қандай бажарилаётганини синчиклаб кўриб чиқиш керак. Тез орада партиямизнинг навбатдаги съезди ўтказилади, унга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш лозим.

Биз, коммунистлар учун съездга тайёргарлик кўриш — эришилган натижаларни идрок қилиш, якунлаш даври, эришилган ҳамма ижобий натижаларни актив мустаҳкамлаш давридир. Бу — йўл қўйилган хатолардан сабоқ чиқариш, камчиликларни ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш йўлларини ва энг муҳими, янги катта вазифаларни ҳал этиш йўлларини аниқлаш даври ҳамдир.

Бу вазифаларнинг бажарилиши кадрларга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Кадрлар — дарҳақиқат партия билан давлатнинг олтин фондидир. Бу фондни доимо тўлдириб туриш лозим, унга янги-янги кучлар қўшилиб туриши керак. Дарвоқе, айрим раҳбар коммунистлар ўзларига билдирилган ишончни оқламаётганликларини партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси кўрсатди. Ҳамма соҳадан кўра ҳам кадрлар билан ишлашда пухта ўйлаб тузилган аниқ система бўлиши муҳимдир. Бу соҳада кадрларни тез-тез алмаштиришга ҳам, кадрлар составининг бирон-бир даражада қотиб қолишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Чамаси, барча партия комитетларимизда юқори лавозимларга кўтариш учун резервлар бор. Модомики, ўртоқлар, масъулиятли лавозимга қобилиятли кишини топиш керак бўлганида, баъзан шундай қилиш жуда қийин бўлишининг сабаби нимада? Демак, кўпинча резерв қоғоздагина бор. Бу жуда муҳим ишга тўла равшанлик киритилиши керак. Худди шу мақсадда биз сиёсий бюрода ҳозирги кадрлар сиёсатининг етилган масалаларини батафсил кўриб чиқмоқчимиз.

Ўртоқлар, биз қилинган ишларни якунлар эканмиз, барча йирик социал-иқтисодий программаларимиз, масалан, Озиқ-овқат, Энергетика программаларимиз қандай амалга оширилаётганини доимо, чуқур анализ қилиб боришимиз керак.

Ҳозир янги, ўн иккинчи беш йилликни ишлаб чиқишга алоҳида диққат-эътибор берилиши лозим. Яқин ўн йилликларда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемалари ва истиқболларини белгилаб олиш ҳам зарур. Чунки биз XXVII съезд муҳокамасига янги таҳрирдаги партия Программасини қўймоқчимиз. Шу боисдан ҳам Программа учун салмоқли умумий назарий пойдеворгина яратиб қолмай, уни яхши асосланган иқтисодий планлар ва прогнозлар билан ҳам узвий равишда боғлаш керак. Бу эса ривожланган социализмни такомиллаштириш ва коммунизм сари босқичма-босқич олга боришнинг объектив, реалистик манзарасини ҳосил қилиш имконини беради.

Хуллас, биз XXVII съездга ҳозирлик кўрар эканмиз, тағзаминли, ғоявий ишлар қилишимиз керак. Бу ишда Ленининг «умумийроқ, кенгроқ ёки узоқроқни кўзлайдиган қарашлар эса ҳозирги вақтда бизга жуда ҳам зарур» деган сўзлари бизга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳа, биз партиянинг коллектив фикрини анча активлаштиришимиз лозим. Бу соҳада умумий назарий фикрнигина эмас, сиёсий фикрни ҳам назарда тутаман. Янги тажриба билан бойитилган назария ва марксизм-ленинизм назарияси асосида ижодий идрок қилинган тажриба — ҳамиша партиямиз кучининг энг муҳим манбаи бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди.

Ўртоқлар, бугунги Пленумда ҳар бир коммунистни, ҳар бир совет кишисини тўлқинлантираётган масалалар муҳокама қилинди. Биз тўғри қарорлар қабул қиламиз. Шу қарорларнинг тақдири учун Пленумнинг барча қатнашчилари зиммасига катта масъулият тушади. Энди бу қарорларни биргаликда, бутун партиянинг, ягона ахил куч-ғайратлари билан, бутун халқ билан бирга қўнг билан амалга ошириш керак.

(Нутқ зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Марказий Комитет Пленумидаги нутқидаги халқ депутатлари Советларининг ишини янада яхшилаш, Коммунистик партиянинг социал-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда Советларнинг ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари, умумхалқ давлатчилигини ва социалистик демократияни такомиллаштириш ўғрисидаги қоидалар ва хулосалар тўла-тўкис маъқулансин.

2. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларига амал қилиб совет органларига партиявий раҳбарлик савиясини ошириш учун зарур чораларни кўрсинлар, халқ депутатлари ҳар бир Совети ўз фаолиятининг мазмуни ва услубини сабот билан такомиллаштиришига, ўз имкониятларини ҳамда СССР Конституциясида белгилаб қўйилган ваколатларини самарали рўёбга чиқаришига эришсинлар.

Советларнинг хўжалик қурилишидаги, давлат планларини бажаришдаги, социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги, иқтисодий ва социал ривожланишнинг комплекслигини, бошқарувда территориал ва тармоқ негизлари бирга қўшиб олиб борилишни таъминлашдаги роли изчиллик билан оширилсин. Меҳнаткашлар эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш, уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилиши планларининг бажарилиши, хизмат соҳасининг, совет кишилари ҳаёти ва турмушининг барча соҳалари ҳар томонлама яхшиланиши учун Советларнинг масъулияти кучайтирилсин.

Советларнинг аҳоли ўртасидаги сиёсий-тарбиявий, маданий-оммавий иши такомиллаштирилсин, бу иш совет кишиларининг маълумот даражасини, меҳнат ғайрати ва ижтимоий активлигини оширишга қаратилсин, меҳнаткашлар мамлакатдаги барча миллат ва элатларни ўзаро ҳурмат қилиш ва уларнинг дўстлиги руҳида, совет Ватанига муҳаббат, социализмнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёрлик руҳида тарбиялансин.

Халқ депутатлари Советларининг бошқарув органлари иши устидан контроллигининг таъсирчанлиги оширилсин. Советлар барча поғоналардаги мансабдор шахслар ва хўжалик раҳбарларининг фаолиятини талабчанлик билан холисона баҳолашларига, сайловчиларнинг наказларини рўёбга чиқаришга, маъмурий аппаратни такомиллаштириш ва қисқартиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Совет ҳокимиятининг қонунлари обрўсини оширишга кўпроқ эътибор беришларига эришилсин.

Совётларнинг сессияларини, ижроия комитетлар ва доимий комиссияларнинг мажлисларини тайёрлаш ҳамда ўтказиш практикаси яхшиланиши, мавжуд резервларни очиш, камчиликларни танқид қилиш, ҳар томонлама асосланган қарорлар ишлаб чиқарилиши учун улардан тўлиқроқ фойдаланиш зарур. Депутатларнинг талаб-с роқлари янада кенг қўлланилсин. Расмиятчилик фактларига қатъият билан барҳам берилсин. Советларнинг омма билан алоқаси ҳар томонлама мустаҳкамлансин.

3. Партия Комитетлари совет кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини яхшиласинлар, партия ва совет органларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилишини таъминласинлар. Советларнинг депутатлигига сайланган коммунистларга нисбатан талабчанлик оширилсин. Коммунистлар депутатлик вазифаларини бажаришда, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътибор билан қарашда намуна кўрсатишлари, халқ сайлаб қўйган барча кишиларни ўз атрофларига жипслаштиришлари, уларнинг ижодий ташаббусини рағбатлантиришлари ва йўлга солиб туришлари керак. Советлардаги ва уларнинг ижроия органларидаги партия группалари ҳамда ташкилотларининг активлиги сабот билан ривожлантирилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Олий Совет ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари фаолияти барча соҳаларини ривожлантириш, уларнинг қонун чиқариш, бошқариш ва контрол қилиш бирлигидан иборат ленинча принципни муттасил амалга ошириш, миллион-миллион меҳнаткашларни давлат ишларини манфаатдорлик билан идора қилишга кенг жалб этиш — энг муҳим умумпартиявий вазифа, деб ҳисоблайди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

КПСС Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ М. В. Зимяниннинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, ривожланган социалистик жамиятни планли равишда ҳар томонлама такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг катта сиёсий, социал-иқтисодий ва идеологик аҳамиятини қайд этади.

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида ҳозирги шароитда ёшларга таълим ва тарбия беришнинг, уларни турмушга ва меҳнатга тайёрлашнинг илмий асосланган концепцияси ишлаб чиқилган. Унда Ленининг ягона, меҳнат, политехника мактаби тўғрисидаги ғоялари янада ривожлантирилган, партиянинг КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва 1984 йил февраль Пленумлари йўл-йўриқларига мувофиқ халқ маорифи соҳасидаги стратегик йўли белгиланган.

Ислоҳот умумий таълим ва ҳунар мактабининг ишини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариши, унинг фаолиятидаги камчиликларни тугатиши, ўқувчиларнинг фан асосларини чуқур ўрганишини, уларда мустаҳкам коммунистик эътиқодлар, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик таркиб топтирилишини, уларни социалистик кўпмиллатли Ватанимизга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёрлик руҳида, пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни таъминлаши лозим. Ислоҳотнинг амалга оширилиши мактаб ўқувчиларини таълим билан ишлаб чиқариш ва меҳнатни бирга қўшиш асосида меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни ва касб танлашга ўргатишни, ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчи кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, ёшларга умумий ўрта таълим беришни умумий ҳунар таълими билан тўлдириш имконини беради

Марказий Комитетнинг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси чоғида яқдиллик билан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Уни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишларда 120 миллион киши қатнашди, 7 миллион киши сўзга чиқди. Матбуотда мактабни ислоҳ қилишга оид жуда кўп материаллар эълон қилинди. Шу масала юзасидан партия ва совет органларига- меҳнаткашлардан минглаб хат тушди. Лойиҳанинг муҳокамаси социалистик тузумнинг чинакам демократизмини, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини янги куч билан намойиш этди.

КПСС Марказий Комитети умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини муҳокама қилишда актив қатнашган, КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини қўллаб-қувватлаган, ўзларининг конкрет таклифлари ва мулоҳазаларини киритган ишчилар ва колхозчиларга, мутахассислар ва олимларга, педагоглар ва ўқувчиларга — барча совет кишиларига чуқур миннатдорчилик изҳор этади.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. Умумхалқ муҳокамаси чоғида тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» асосан маъқулансин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқида халқ маорифини ривожлантириш масалалари юзасидан баён этилган программ қоида ва хулосалар тўла-тўкис қўллаб-қувватлансин ҳамда бу қоида ва хулосалар партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фаолиятига асос қилиб олинсин. Бу ишда халқнинг маълумоти ва маданиятини ошириш мамлакатнинг ғоявий-сиёсий, иқтисодий ва мудофаа потенциалини ҳар томонлама мустаҳкамлашнинг, социалистик демократияни ривожлантиришнинг, совет жамиятини коммунизм йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишнинг энг муҳим шарти эканлигига асосланилсин.

2. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси муҳокамасига қўйилсин.

3. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»ни рўёбга чиқариш соҳасидаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишни кенг авж олдирсинлар.

Мактабни ислоҳ қилишнинг асосий тадбирлари миллий хусусиятлар ва маҳаллий шароитлар эътиборга олиниб, босқичма-босқич, ўн биринчи, ўн иккинчи беш йилликлар (1984-1990 йиллар) мобайнида амалга оширилсин. Ҳар бир республика, ўлка, область, шаҳар ва районда ислоҳотни рўёбга чиқаришга оид конкрет планлар ишлаб чиқилсин ҳамда тегишли район партия комитетларининг пленумларида ва халқ депутатлари Советларининг сессияларида тасдиқлансин. Шу йилнинг ўзида таълим-тарбия жараёнини, мактаб ўқувчиларига меҳнат таълими беришни ва касб танлашга ўргатишни такомиллаштириш соҳасида реал қадамлар қўйиш зарур. Болаларни олти ёшидан ўқитишга яхши тайёргарлик кўрилсин ва бу ишга 1986 йилдан бошлаб аста-секин уюшқоқлик билан ўтилсин.

Партия комитетлари барча совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг, мактабларнинг ва меҳнат коллективларининг ислоҳотни амалга ошириш соҳасида баҳамжиҳат ҳаракат қилишларини таъминласинлар, ўқув юртларининг партия ташкилотларига раҳбарлик савиясини оширсинлар, таълимни ривожлантиришнинг етилган масалаларини малакали ҳал этсинлар. Ёш авлодни жамоат йўли билан ва оилада тарбиялаш масалаларига кўпроқ эътибор берилсин.

Марказий Комитет Пленуми шуни таъкидлайдики, мактаб ва халқ ўқитувчиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия ва давлатнинг энг муҳим вазифасидир. КПСС Марказий Комитети ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини анчагина ошириш зарур деб ҳисоблайди.

4. СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»ни рўёбга чиқариш учун доир комплекс тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар. Ишга тор маҳкамачилик назари билан ёндашиш, халқ маорифига раҳбарликдаги расмиятчилик услуби такомиллаштирилсин, Мактаб фаолиятининг барча қаётий масалаларини кўринишлари қатъиян тугатилсин, бюрократизм, қатъият етишмаслиги ва бошқа ҳолатларини ҳал этишда кўпроқ ташаббус ва ҳунар-техника билим юртларини директорларини кўрсатилсин. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари директорлари ишларини ишлашга алоҳида эътибор берилсин. Педагог кадрларини тайёрлаш даражаси оширилсин, малакасини ошириш ва уларни ишини, ўқитувчиларнинг системаси такомиллаштирилсин. Шу ишидан ўтказиш

Умумий таълим ва ҳунар мактабига ишлаш, ёш авлодга таълим ва тарбия беришдаги яхшилаш, ёш авлодга таълим ва тарбия беришдаги яхшиликни ягона давлат сиёсатини ўтказиш мақсадида СССР Олий Советининг ҳузурида Маориф ва ҳунар-техника билим юртларини қуриш, мактаб бинолари ва иншоотларини ремонт қилиш планларининг ўз вақтида бажарилиши таъминлансин, мактабларни зарур ашёлар билан, қўрғазмали ўқув қўлланмалари билан таъминлаш яхшилансин. Педагог кадрлар, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилинсин.

Ўқувчиларга меҳнат таълими, тарбияси беришни, уларни касб танлашга ўргатишни яхшироқ йўлга қўйиш мақсадида ҳар бир мактаб ва ҳунар-техника билим юрти базавий корхона, ташкилот, муассасага бириктириб қўйилсин.

6. СССР ва иттифоқдош республикаларнинг министрликлари ҳамда идоралари ўзларига қарашли корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда ўқувчиларга меҳнат таълими бериш учун зарур шароитни яратсинлар. Шу мақсад учун асбоб-ускуналар, иш жойи, малакали кадрлар, хом ашё ва материаллар ажратилсин. Ўқувчиларнинг меҳнати пухта ташкил этилиши таъминлансин. Базавий корхоналарнинг раҳбарлари мактаб ўқувчиларига меҳнат таълими берилиши, уларнинг меҳнатига хавф-хатарсиз шароитлар яратилиши учун ўқув юртларининг директорлари билан бир қаторда шахсан масъулдирлар.

7. ВЛКСМ Марказий Комитети, жойлардаги комсомол органлари умумий таълим мактабларидаги, ҳунар-техника билим юртлари ва техникумлардаги комсомол ташкилотларининг фаолиятини тубдан яхшилаш чоралари кўрсинлар. Ташкилий ва тарбиявий ишнинг оғирлик маркази бевосита мактабга ва синфга кўчирилсин. Таълим-тарбия ишида ўқитувчиларга ёрдам берилсин, мактабларнинг комсомол ташкилотлари иши ҳаваскорлик асосларида қурилсин. Бутун куч-ғайрат коммунизм учун эзгу қодли курашчиларни, ватанпарвар ва интернационалистларни тарбиялашга, ўқувчиларга юксак гражданлик ва ахлоқий фазилатларни, коллективизм, меҳнатсеварлик туйғуларини, ўқишга масъулият билан қараш, турмуш тарзимизга ёт қарашлар ва дидларга нисбатан мурасасизлик хислатларини сингдиришга қаратилиши керак. Ўқувчи ёшлар комсомолга киришга яхшироқ тайёрланилсин.

Комсомол комитетлари октябрятларга, комсомол ташкилотларига кўпроқ эътибор берсинлар, мактабдан ташқари муассасаларда ҳамда болалар ва ўсмирлар яшайдиган жойларда тарбиявий ишни ташкил қилишда активроқ қатнашсинлар, ўқувчиларнинг фойдали янги ишларини ва ташаббусларини қўллаб-қувватласинлар. Ёш ўқитувчилар ва пионервожатийлар билан ишлаш такомиллаштирилсин.

8. ВЦСПС, касаба союзларининг Марказий Комитетлари, маҳаллий касаба союз органлари ўқув юртларининг касаба союз ташкилотлари ишини ҳар томонлама яхшиласинлар, педагоглар коллективларининг ижодий ташаббуси ва активлигини ривожлантиришда уларнинг ролини оширсинлар, илғор тажрибани оммалаштиришга кўмаклашсинлар. Педагогларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини, уларга маданий хизматни, уларнинг саноатда ишида даволанишини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилсинлар. Пионер лагерларининг, меҳнат ва дам олиш лагерларининг фаол, мактаб ўқувчилари меҳнат ва ижодий ишларини ташкиллаштириш учун ва такомиллаштирилсин. Спортзал, бассейн, ошхона, ва бошқа ҳар хил спорт иншоотлари, клублар, кутубхоналар, моддий базадан — ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИ КАДРЛАРИ фойдаланилсин. Ёшлар, спорт иншоотлари

9. Марказий, республика, ўлка, область, маҳаллий газеталар, телевидение ва радиоэшиттириш ишини ахборотнинг юксак мақсадлари ва принциплари ва барча тинч меҳнаткашларга батафсил тушунтирилсин, ва барча жамиятимизни ҳар томонлама тарбиялаш, ватанпарварлик ва барча бўлган аҳамиятини кўрсатиб берсинлар. Партия ва Совет органларининг умумий таълим ва ҳунар таълимини ислоҳ қилишни рўёбга чиқариш соҳасидаги ишларини ва тажрибасини ёритиб борилсин, ўқув юртлари партия ташкилотлари ва коллективларининг энг яхши иш тажрибаларини ва ўқитувчиларининг фидокорона меҳнати пропаганда қилинсин.

Ўқувчи ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, мактабга ижодий союзлар, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, театр ва кино арбоблари, маданият муассасаларининг ходимлари катта ёрдам беришлари керак.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг амалга оширилиши бутун партия ва халқнинг жонкуйар группаларини қолади, ёш авлодга таълим бериш ва ишчиларга ва ҳунар мактабларида тарбиялашни янада яхшилашга, жамиятнинг моддий ва маданий ва ахборотчиларнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш ва ўқувчиларнинг ишончини оқлашга ва ишончини оқлашга ва ишончини оқлашга маклашади, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИДА

10 апрелда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда унинг раиси Г. Ф. Сизов нутқ сўзлаб, Марказий ревизия комиссиясининг ишини активлаштиришни янада кучайтириш масалаларини баён қилиб берди.

У айтдики, интизомни изчиллик билан мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш, бошқарув аппаратида бюрократизм ва расмиятчиликка қарши қатъий кураш олиб бориш юзасидан партиямиз ва унинг Марказий Комитети қабул қилган йўлга мувофиқ Марказий ревизия комиссияси ва маҳаллий партия ташкилотлари ревизия комиссиялари зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишини контрол қилишни кучайтириш борасида уларнинг иш савияси ва активлиги анча оширилиши лозим.

КПСС Марказий ревизия комиссияси ишида демократик асосларни кучайтириш ва унинг маҳаллий партия ташкилотлари ревизия комиссиялари билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида мажлисда Г. Ф. Сизов (раис), М. И. Халдеев (раис ўринбосари), В. Ф. Коннов, А. И. Лукьянов ва А. В. Федуловадан иборат составда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг бюроси сайланди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ

ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

10 апрель куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни зўр мамнуния билан қабул қилдилар.

Президиум мажлисида ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқди.

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилиниб маъқулланди.

Мажлисда давлат турмушининг баъзи бошқа масалалари кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ТАСС).

Ю. В. АНДРОПОВ ХОТИРАСИГА

9 апрель куни Москвада тантанали очилган эсдалик ёдгорлигига «Юрий Владимирович Андропов номидаги проспект» деб ёзилган, Пойтахтнинг Пролетар ва Красногвардейский районларидан ўтувчи шу магистрал КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Ю. В. Андропов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби шарафига шундай деб аталди.

Қизил гранитдан ишланган ёдгорлик собиқ Пролетар проспектининг бошланишидаги гулзор марказига ўрнатилди. Яқинда шу проспект Юрий Владимирович Андропов номи билан аталди.

Эсдалик ёдгорлиги ... муносабати билан ... тахт меҳнаткашларининг митинги бўлди.

Митинг қатнашчилари ... ёдгорлик пойига гуллар ... лар.

(Т...

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ АМАЛДА

СУВНИНГ ТОЗА БЎЛИШИ— ҲАММАНИНГ ИШИ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар сув хўжалиги органлари раҳбарларининг 10 апрель куни Тошкентда очилган кенгаши муваққат иш группасининг тўртинчи мажлисида оқава сувларни тозалаш ва қўшимча тозалаш, шу жумладан қор ва ёмғир сувларини тозалаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш проблемаси муҳокама этилмоқда. Мажлисда Болгария, Венгрия, Германия Д... каси, Пол... ки ва Чехо... жалиги орг... сисларини... иштирок ...

Иш гру... тўрт кун ...

... 11 12

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ЙИҒИЛИШИ ТАВСИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЮРТИ БОЙНИНГ ЎЗИ БОЙ

ҲАҚИҚАТАН ҳам донишманд халқимиз ҳақ гапни айтган: «Юрти бойнинг ўзи бой». Зеро, бу сўзлар яқинда бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активи ва ишлаб чиқариш илғорларининг йиғилишида ҳам жуда тўғри, ўз ўрнида таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимизда қанчалик тўкин-сочинлик бўлса, давлатимиз қанчалик бой ва қудратли бўлса, совет кишиларнинг тинч, осойишта яшашлари, ҳамма вақт ўзлари севган ижодий меҳнат билан бемалол шуғулланишлари учун шунчалик яхши шароит яратилади. Шу боис бутун куч ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, юртимиз бойлигига бойлик қўшиш ҳар бир ишчи-хизматчи, боғбону-соҳибкор, чорвадору-деҳқон — ҳамма-ҳамманинг бурчидир.

Ҳали тўла мустаҳкамланиб олишга улгурмаган ёш хўжалигимиз аъзолари ҳам ана шу шарафли вазифани бажариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб, ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажариб келишяпти.

Совхозимиз асосан сутчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган бўлиб, 1979 йил «Қизил Ўзбекистон» колхози ва Оржоникидзе номли совхозларинг бир қисми базасида ташкил этилди. Тўғрисини айтиш керак янги совхоз учун ажратилган ерда эски бостирмалардан иборат айрим омборхоналар, устахона, дала ва бир боғдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Хуллас, ҳаммасини қуриш, ташкил этиш, янгитдан бошлаш лозим эди.

Шу йилиёқ биз хўжаликда сут-товар фермаси барпо этишга киришдик. Бунинг учун илгарилари омборхона сифатида фойдаланиб келинган жойни 200 бош қорамолга мўлжалланган молхона барпо этмоқдамиз. У йил охиригача ишга туширилади. Бу ерда ишлаган ва ишлаётган ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилаларига ҳозирги кунда ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва ҳар хил ашёлар ҳисобидан 2 минг тоннага яқин ем-ем-ҳашак тайёрлаш ва ўрнатиш ишлари бажарилиб, 1 минг 500 тонна ем-ем-ҳашак тайёрланиб, ўрнатилиб, ишлатилиб, 1 минг тонна ем-ем-ҳашак ишлатилиб, 1 минг тонна ем-ем-ҳашак ишлатилиб, 1 минг тонна ем-ем-ҳашак

ЖОНАЖОН ВАТАН ҮЙЛАЙ

● ЯНГИ ПОТОК ЛИНИЯСИ. Наманган мебель фабрикасида монтаж қилинган янги поток линияси мебель сифатини яхшилаш, мебель ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва арзонлаштириш имконини беради. Бу ерга ўрнатилган машиналар комплекси ёғоч тахталарни жойлаштиришдан тортиб тайёр деталь олишга қадар бўлган мебель шчитларини тайёрлашга мўлжалланган. Модернизация туфайли беш йиллик бошидан бери корхонада мебель ишлаб чиқариш учдан бир баравар кўпайди.

+

● ЯНГИ КЎЧАТЗОР. Андижон кўкламзорлаштириш хўжалиги комбинатида барпо этилган питомник бўлажак парклар, ҳиёбонларга ниҳоллар етказиб беради. Бу ерда область маркази аҳолисига ва ташкилотларга сотиш учун дарахт ва гулларнинг 40 хил тури парвариш қилинади. Питомник кўчатдан ташқари медикларга доривор ўсимликлар етказиб беришни кўпайтириш имкониятини яратади. Атир гулларнинг барги эса мураббо ишлаб чиқариш учун консерва заводига жўнатилади.

+

● ЯНГИ ЦЕХ. Гулистонда кучли инкубатория цехи ишга туширилди. Эндиликда маҳаллий парандачилик репродуктори ҳар йили жўжа очириш учун 220 мингтадан кўп тухум қўяолади. Республика қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 22-трест бригадалари цехни норматив муддатидан икки баравар тез қурдилар.

+

● ЗАВОД РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА. Андижон пиво заводида бошланган реконструкция ишлари совуқ ичимликлар ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш имконини беради. Бу ерда янги пиво пиширириш цехи қурила бошланди, шарбат қайнатиш ва минерал сувлар қуйиш аппаратлари ўрнатилмоқда. Бу йил корхона ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини қариб икки баравар кўпайтиради, беш йиллик охиригача эса корхонани модернизация қилиш ниҳоясига етказилади.

+

● КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ПУНКТИ. Наманганнинг 6-микрорайонида одатдаги почта ўрнига комплекс хизмат кўрсатадиган пункт ишлай бошлади. Эндиликда минглаб аҳоли ўз уйига яқин жойда телеграф ва шаҳарлараро телефон хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Йил охиригача микрорайонда яна бир нечта соғлиқ, маданий ва маиший хизмат объектлари ишга тушириладилар.

+

● БОЛАЛАР КОМБИНАТИ. Марғилонда «Наргис» болалар комбинати очилди. Комбинатда «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашларининг фарзандларидан бир вақтнинг ўзида 280 кичкинтойни тарбиялаш мумкин. Марғилонни соғлиқ ривожлантириш планига кўра, бунёд этилган икки қаватли бинода шинам ётоқхоналар, болалар ўйнайдиган хоналар, мажлислар зали ва спорт зали, ошхона бор.

(ЎзТАГ).

«МЕН XXI АСР ДУНЁСИНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ҚИЛАМАН?

Болалар ишлари ва расмлари ҳалқаро конкурси ташкилотчиларининг бу саволига республика санъат мактабининг тарбияланувчилари ва Тошкентдаги 188-мактаб ўқувчилари жавоб қайтаришди. АҚШда ўтказиладиган конкурс-виставкада қатнашиш учун бешта ишчи ва йигирма бешта расм танлаб олинди.

Болалар ўз жонажон диёри тўғрисида, ота-оналари тўғрисида, совет халқининг тинчликка интилиши ҳақида зўр меҳр билан ҳикоя қилдилар. Расмлар «XXI аср боғида», «Космик симфония», «Денгиз тубининг ўзлаштирилиши», «Биз мактабга учиб борамиз» деб аталишиёқ болалар ўзлари яшайдиган асрни қандай тасаввур қилишларидан далолат беради. Расмлар ҳар хил, лекин уларнинг мазмуни бир: бўлғуси аср бугун бошланмоқда. Ҳозир бошланади. Одамлар тинч осмон бўлиши учун барча ишларни қилишлари зарур, одамлар тинчликда яшашлари — ижод қилишлари, бунёд этишлари, табиатни авайлаб асрашлари, боғлар барпо этишлари керак.

Ҳар йили Ўзбекистондан Европа, Осиё, Африка, Америка мамлакатларига болалар чизган 300 дан кўпроқ расм жўнатилади. Кейинги 3 йил ичида Ўзбекистонлик болалар чизган расмлар Испания, ГФР, Ҳиндистон, Монголия, Никарагуа, Шри-Ланка, Венгрия ва бошқа мамлакатларда намойиш қилинди.

Бу йил ёш рассомларимизнинг асарлари Перу, Эфиопия, Португалия, Греция, Нидерландия ва Австралияга юборилади.

(ЎзТАГ).

● ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Чиғириқ посёлкаси аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Яқинда «Наргиз» деб номланган янги савдо маркази иш бошлади. Бу ердаги мавжуд 10 та бўлимнинг ҳаммасида замонавий савдо жиҳозлари ўрнатилган. Атрофдаги совхоз ва колхозларнинг аъзолари, шунингдек саноат корхоналари ишчи-хизматчиларн эндиликда ортиқча вақт сарфлаб, район марказига бориб юрмай, кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳамма буюмларни шу ернинг ўзидан харид қилиб олмоқдалар.

Г. Пун фотоси.
(ЎзТАГ).

ЎЗБЕК БАЛЕТ САНЪАТИ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

ИСТЕЪДОДЛИ ШЕРАЛИ

ЎЗБЕК совет театр санъатига истеъдодли ёшлар дадил қадам қўймоқдалар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг кейинги премьераларида томошабинлар хореография билим юртини яқинда тугатиб, масъулиятли ижодий фаолият бошлаган ёш солистларни учратадилар. Бу опера ва балет театри учун гоят муҳимдир, чунки билим юртида бўлажак санъаткорлар маҳорат асосларини ўрганадилар, уни такомиллаштириш эса театр оғушида давом этади.

А. Навоий номли театр саҳнасида Тошкент хореография билим юртини битирган Шерали Қодиров тез фурсатда ўз истеъдодини намойиш қилди. Тўғрироғи, у ўқишни тугатиш арафасида «Шопеннома» балетида қизиқарли партиялардан бирини ижро этишга муваффақ бўлди. Бу партияни юқори савияда талқин қилиб, республиканинг етакчи музикали театри ижодий коллективи ва педагоглар эътиборини тортди. Шундан сўнг узлуксиз ва машаққатли машғулотлар бошланди.

Ҳар бир санъаткор ўзининг ижодий коллективдаги биринчи қадамини бир умр ёдида сақлайди. Ш. Қодиров ўша унутилмас воқеани шундай эслайди:

— Театрга биринчи куни келганимда, классик рақслар ўрганиш бўйича машғулот бошланди ва бу ерда мен Х. Бозоровни учратдим. У бизларга ўзининг самимий муносабати ва юксак талабчанлиги билан академик театрда ишлашнинг бутун масъулиятини ҳис қилишни уқтирди. Ҳеч қандай эътироз ва гапсўзсиз ишни бошлаб юбордик...

Ишга жиддий муносабат чинакам маънода маҳоратни эгаллаш учун интилишдир. Ёш санъаткорга композитор Ш. Гуноннинг «Вальпургия туни» спектаклида ўз кучини синаб кўриш имкони берилди. Бу саҳна асари Минкуснинг «Дон Кихот» балети билан бирга ижодий коллективнинг ГДРдаги гастролида ҳам намойиш қилинди. Шундан сўнг у репертуардан мустаҳкам жой олди.

Томошабинлар назарида ҳамма театрларда гўё бир хил бўлиб туюлган балет саҳналари, аслида ўзига хос хусусиятларга эга. Актёр муайян тажрибага эга бўлган тақдирдагина янги саҳнага тезда кўникиши мумкин. Истеъдодли солист театрнинг чет эл ва Москва гастролларида ана шу ўзига хос синовлардан муваффақиятли ўтди.

Шундан сўнг театр коллективи В. Шекспирнинг ўлмас асарлари асосида «Триптих» яратди. Бу асарни таниқли балетмейстер, СССР халқ артисти Н. Риженко саҳналаштирди. Мазкур спектаклдаги Отелло партиясининг Ш. Қодировга топширилиши кутилмаган воқеа бўлди. Ахир СССР халқ артисти Бернора Қориевага шерик бўлишнинг ўзиёқ унинг зиммасига улкан масъулият юклар эди. Чунки бу атоқли санъаткор республиканинг барча ёш балет артистлари учун, рақс ижрочилигининг юксак намунаси ҳисобланибгина қолмай, ҳар бир ижрочи учун ижодда талабчанлик ва тинимсиз изланишда бўлишнинг ёрқин тимсоли ҳамдир.

Шерали Қодиров борган сари ҳаяжонлана борди. Зотан, Бернора Қориева улар билим юртини тугатган йили давлат имтиҳон комиссиясининг раиси ҳам бўлган эди-да!

— Балетни тайёрлаш жараёни бошланганда,— дейди Ш. Қодиров — Б. Қориева билан рақсга тушаётганимга ҳеч ҳам ишонгим келмасди. Ахир томошабинлар сенинг билим юртини кечагина битирганинг билан қанчалик иши бор. Шеригим номдор раққоса. Шунинг учун зиммамдаги масъулият жуда ҳам катта эди. Ўзингга ишониб топширилган ролга муносиб бўлишинг керак... Энди, премьера муваффақиятли ўтиб, спектакль муттасил намойиш қилинаётган экан, ҳар гал саҳнага чиқиш олдидан бутун вужудимни «Ҳозир Бернора Қориева билан рақсга тушаман» деган ажиб бир ҳаяжон қамраб олади!

...Истеъдодли солистнинг ижод йўли эндигина бошланмоқда. Аммо кичик бир шаҳарчада туғилиб-ўсган, сўнг Тошкент хореография билим юртини тамомлаган Шерали Қодиров ўзининг дастлабки изланишлари биланоқ томошабинлар эътиборини тортди. Бу муваффақиятлар ёш санъаткорга ҳамиша ҳамроҳ бўлишини истаймиз.

Муҳаммад ал-БУХОРИЙ,
Сурия Араб республикаси Журналистлар союзининг аъзоси, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультети студенти.

ЁЗУВЧИ СЕЛЕКЦИЯЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Ўсимликлар биологияси институтида ёзувчи Ўктам Усмонов иштирокида қизиқарли учрашув кечаси ўтказилди.

Ў. Усмонов кеча қатнашчиларга республика Ёзувчилар Союзининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи олдидан ўтказаётган тадбирлари ҳамда «Гирдоб» романининг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берди.

Учрашувда «Гирдоб» кўп серияли телевизион видеофильмида бош ролларни ижро этган Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг таниқли артистлари — Пўлат Саидқосимов, Эркин Комилов, Ёқуб Аҳмедов, республика телевидениеси бош режиссёри Мақсуд Юнусовлар ҳам қатнашиб, ижодий режалари ҳақида сўзлаб беришди.

Биолог-олимлар эса «Гирдоб» романи ҳамда видеофильм ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

А. ДАМИНОВ.

МЕХАНИЗАТОР ҚИЗГА МУКОФОТ

Гулчеҳра Усмонова ўтган йили пахта йиғим-терими даврида намуна кўрсатиб «зангори кема» бункеридан 160 тоннага яқин «оқ олтин» тўкди. Механизатор қизнинг меҳнатда эришган ютуқлари муносиб баҳоланди. Республиканинг бир қатор илғор механик-ҳайдовчилари қаторида у Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги, республика телевидение ва радиоэшитиришлари Давлат комитети уюштирган мусобақа ғолиби деб топилди ва эсдалик совға билан тақдирланди.

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз механизатори Г. Усмонова ҳаётида яқинда яна бир қувончли воқеа юз берди. У икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова номидаги мукофот лауреати бўлди.

А. БОБОНАЗАРОВ.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

БОЛА ШИКАСТЛАНСА...

Болаларнинг таянч органлари шикастланса, ёки суяк касалланса, уни даволайдиган махсус травматолог ва ортопед врачлар бор. Бундай ҳолларда ана шу мутахассис-врачларга учрашиш боланинг тез соғайишига олиб келади.

Ҳозирда болалар ортопед-врачлари деярли ҳамма болалар поликлиникаларида бор. Улар суяк шикастланишларидан ташқари болалардаги ортопедик касалликлар — туғма чўлоқлик, бўйин ёки умуртқа поғонаси қийшиқлиги, ясси-оёқлик ва бошқа касалликларни ҳам даволайдилар.

Агар район поликлиникаларида шу мутахассислиқдаги врач бўлмаса, ёки вақт ўтиб қолган бўлса, шикастланган болаларни кеча-юкунду ишлайдиган травмотологик пунктларга олиб бориш лозим. Бундай пунктлар шаҳримизнинг Куйбишев, Ленин, Ҳамза, Чилонзор ва Акмал Икромов районларида мавжуд. Шунингдек, Тошкентдаги 14-болалар шифохонаси, 17-шаҳар касалхонаси травматологик бўлими, травматология институтининг болалар бўлими, 16-шаҳар шифохонасининг болалар хирургияси бўлимига ҳам мурожаат қилиш мумкин.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли марказий болалар консультатив ва диагностик поликлиникасида ҳам беморларга малакали медицина ёрдами кўрсатилмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу поликлиника шаҳримизнинг Карл Маркс кўчасидаги 76-уйда жойлашган. Шу ерда Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ҳам бор. Институт олимлари суяк касаллигига чалинган болаларга ҳар томонлама тиббий ёрдам берадилар.

Бундан ташқари, институтнинг Олой бозори ёнида, Каблукова кўчаси, 5-уйда жойлашган консультатив поликлиникасида ҳам суяк касалликларига дучор бўлган болалар даволанадилар. Ортопед врачлар лозим бўлса, бемор болаларни шифохонага ётқизиб, соғайгунларига қадар мунтазам назорат қилиб боришади.

Ҳурматли ота-оналар! Фарзандингиз суяк хасталигига чалинса, дарҳол мутахассис-врачга олиб боришни унутманг. Чунки ҳозир барча суяк касалликларининг давоси бор.

Т. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги болалар бош травматологи, медицина фанлари кандидати.

ЁШ АТЕИСТЛАР ТЎГАРАГИ

Тошкент шаҳар Сергели районидаги 6-мактабда ташкил этилган ёш атеист тўгараги машғулотлари маромли ўтмоқда. Химия ўқитувчиси Р. Г. Каркачева раҳбарлик қилаётган тўгарак аъзолари табиатдаги сирли ҳодисалар тўғрисида, зилзилаларнинг, вулқонлар отилишининг сабаблари ҳақида, динининг келиб чиқиши тўғрисида ўз ўртоқлари ҳузурида суҳбатлар ўтказиб, лекциялар ўқимоқдалар. Ана шу суҳбат ва лекциялар билан бир вақтда «мўъжиза»ларни фош қилувчи илмий тажрибалар кўрсатилади. Болалар суҳбатлар вақтида қандай қилиб сув ёрдамида баъзи моддаларни ёндириш мумкинлигини, бўёқ ва қаламларсиз одамнинг портретини чизиш, сувни «сут»га ёки «қон»га айлантириш мумкинлигини намойиш этадилар.

Тўгарак активлари мактабда «атеист бурчаги»ни ташкил этдилар, динга қарши адабиёт юзасидан китобхонлар конференциясини ўтказдилар.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ГАРРИ КАСПАРОВ — ҒОЛИБ

● ВИЛЬНЮСДА шахмат бўйича тож даъвогарлиги учун Гарри Каспаров ва собиқ жаҳон чемпиони Василий Смислов ўртасида 13-партия ўйналди. У собиқ чемпионнинг таклифига биноан 16-ходисада дуранг билан якунланди. Гарри Каспаров 8,5:4,5 ҳисобида ғалаба қозонди ва жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан учрашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«СОҲИБКОР» ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

СССР биринчилигининг иккинчи лига 7-зонасида ўйнаётган «Соҳибкор» футболчилари уч ўйинда 5 очко жамғариб иккинчи ўринда бормоқдалар. Улар учинчи турда Наманганнинг «Автомобилист» командаси билан учрашиб 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Областимиз вакиллари навбатдаги ўйинни ўз майдонларида 14 апрелда Янгиер шаҳрининг «Янгиер» командаси билан ўтказадилар.

* * *

● ОБЛАСТИМИЗ футбол майдонларида область биринчилиги учун чарм тўп усталарининг мусобақалари давом этмоқда. Учрашувлар кескин вазиятда ўтмоқда. Қуйидаги ҳисоблар эса бу фикрни яна бир исбот этиб турибди: «Калининец» (Тошкент гўшт комбинати) — «Сегизбоев» (Сегизбоев номли совхоз) — 3:0, АГМК (Олмалиқ) — «Динамо» (Тошкент области) — 2:0, «Шахтёр» (Красногорск) — «Букинец» («Бўка» совхози) — 1:0, «Сплав» (Чирчиқ) — «Умид» (Келес) — 2:0, «Чимган» (Чирчиқ) — «Чорвадор» (Чиноз) — 1:2, «Шахтёр» (Ангрен) — «Спартак» (Янгийўл) — 2:0. Бирорта ўйин дуранг бўлмади.

Уч турдан сўнг Чинознинг «Чорвадор», Ангреннинг «Шахтёр», Бекободнинг «Металлург» командалари 6 очко билан пешқадамлик қилмоқдалар. Бекободнинг «Цементник», Сегизбоев номли совхоз командалари эса уччала ўйинда ҳам ютқазишди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР маданият министрлиги

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11, 12 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва драматург

ЎТКИР РАШИДНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Ўзбек ашула ва рақс «ШОДЛИК» ансамбли

Ўзбекистон ССР халқ артистлари:

Қамолиддин РАҲИМОВ, Ҳабиба ОХУНОВА, Эргаш ПЎЛДОШЕВ, Муҳаббат ШАМАЕВА, Дилафрўз ЖАББОРОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Таваккал ҚОДИРОВ, Малоҳат ДАДАБОЕВА, Икромжон БУРОНОВ, Наима ПЎЛАТОВА, Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари:

ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон ВАҲОБОВЛАР,

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Нарзиддин ШЕРМАТОВ

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Комилжон БАРОТОВ (фақат 11/IV да), Абдурауф ОЛИМОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Мавлуда ОИНАҚУЛОВА, Дилором ҚАЮМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 15.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИНИНГ ТРАНСАГЕНТЛИГИ

ЎЗМИНАВТОТРАНС ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА 70 ХИЛДАН ОРТИҚ ХИМАТ КЎРСАТАДИ.

Аҳолининг ҳар хил юклари: мебель, ёрдамчи ҳажмдаги буюмларни савдо тармоғидан уйларига, уй буюмларини бир квартирадан иккинчи квартирага ва комиссион магазинига, ёқилғи ва қурилиш материалларини, уй буюмлари солинган контейнерларни эҳтиб бериш хизматини

АМАЛГА ОШИРАДИ

Қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини томорқаларидан шаҳарлардаги бозорларга, уй ҳайвонларини паррандалар, асаларилар, озуқалар, уруғлар ва минерал ўғитларни эҳтиб беришни

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Юк ортиш, юкларни туширириш, жойлаш, юкларни машинадан туширириш ва юқори қаватларга кўтариш ишлари билан боғлиқ бўлган транспорт-экспедиция операцияларини

БАЖАРАДИ

Келин-куёвлар учун ва оилавий тантаналар учун чиройли қилиб безатилган енгил автомашиналар ва комфорттабелли автобусларни

БЕРИБ ТУРАДИ.

Пассажирларга олдиндан самолётга ва автобусга билетлар сотиб олиш, туристик путёвкаларни сотиб олиб буюртмачи кўрсатган жойга етказиб бериш ишларини ҳамда Совет Иттифоқининг ҳамма шаҳарларида меҳмонхоналардан жой бронлаш

ХИЗМАТИНИ КЎРСАТАДИ

Аҳолидан автомашиналарни ремонт қилиш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Пуллик автомашиналар тўхташ жойларини қўриқлашни

ТАШКИЛ ЭТАДИ

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» бошқармасининг бирлашмаларининг телефонлари:

«Қарақалпақрестрансэкспедиция» — 4-24-44.
«Андижаноблтрансэкспедиция» — 4-22-32, 4-32-24.
Бухароблтрансэкспедиция» — 4-12-30, 4-34-82, 3-15-16.
«Джизақоблтрансэкспедиция» — 3-15-63, 3-29-24, 2-30-46.
«Қашқадарьяоблтрансэкспедиция» — 2-25-05, 2-61-62, 2-26-25.
«Наманганоблтрансэкспедиция» — 6-88-45.
«Самарқандоблтрансэкспедиция» — 2-92-64, 5-62-64.
«Сурхандарьяоблтрансэкспедиция» — 2-90-90, 2-35-04.
«Сирдарьяоблтрансэкспедиция» — 2-30-55, 2-08-88, 2-46-70.
«Тошоблтрансэкспедиция» — 46-89-87, 46-78-07.
«Ферганаоблтрансэкспедиция» — 4-18-33, 4-19-35, 4-44-77.
«Хорезмоблтрансэкспедиция» — 6-24-93, 6-01-15.
«Тошкентгортрансэкспедиция» — 96-19-32, 96-18-20, 96-19-72.

Пассажирларга хизмат кўрсатадиган «Сервис» агентлиги — 41-80-29.

Реклама ва ахборот агентлиги—33-20-10.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Шекспир асарлари асосида балет триптихи**, 12/IV да **Дон Карлос**, 13/IV да **Одамнинг яратилиши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Зебунисо**, 12/IV да **Парвона**, 13/IV **Зебунисо**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IV да **Ғулсара**, 12/IV да **Хизматингизга тайёрмиз**, 13/IV да **Ёшликда берган кўнгил**.

Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот институти коллективи эксперт-криминалист Т. А. Саматовга онаси **Раҳима САМАТОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р— 08202. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1681. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12